

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ

**“РЕСПУБЛИКА ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ” НОДАВЛАТ
НОТИЖОРАТ ТАШКИТЛОТИ**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА
ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎРНИ” МАВЗУСИДАГИ**

**РЕСПУБЛИКА ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

МАТЕРИАЛЛАРИ

2020 йил 21 декабрь

VIII ҚИСМ

ЁШЛАР НАШРИЁТ УЙИ

ТОШКЕНТ-2020

ТАЪЛИМНИНГ ДОЛЗАРБЛИК ХУСУСИЯТИ .

*Акрамов Достон Фахриддин ўгли.
БухДУ Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчи*

Аннотация: Таълим-тарбиянинг ҳозирги кундаги долзарблиги, Ўзбекистоннинг ривожланиши учун ҳар томонлама пухта ўйланган чора-тадбирлар мазмунининг ошиши кузатилмоқда. Ёшларнинг билимли, зукко бўлиши ҳозирги замон талаби бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасида таълим –тарбияга эътибор берилишидан булар далолат беради.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, глобализм, мантиқ, фалсафа, эстетика, Ренссанс, Зардуштийлик, компетентлик, валюта.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти қурмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши учун ҳар бир соҳа, ҳар бир тармоқ эътибордан четга қолмаслиги керак. Зеро давлат тараққиёти ҳар бир жиҳатни бирдек ривожлантиришни талаб этади. Ўзбекистонни ривожланган давлатларга тенглаштириш ҳамда жаҳон бозорига ўз ўрни ва роли бўлиши учун курашиш, бунга энг аввало ёш авлодни билим, салоҳият, иқтидор ва тажрибаларнинг юксалтириш муҳим рол ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, биз таълим-тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Ёш авлод тарбияси борасида гапирганимизда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг ажойиб ҳикмати салмоқли ўрин эгаллайди: –Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушуши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болалиқда олган тарбияларига боғлиқ. Бу фикрнинг нақадар тўғри эканлигини ҳаётда ўз акси топмоқда. Шу мақсадда ёш авлодни жисмонан баркамол, ақлли, зукко, теран фикрли, мустақил фикр мулоҳазага эга комил инсон этиб тарбиялашимизда энг асосий ўринни оила институти эгаллайди, кейин эса умумтаълим мактабларда олиб борилаётган таълим –тарбия ишлари муҳим рол ўйнайди. Шу мақсадда таълим-тарбия ўчоғи ҳисобланмиш мактаб тизими ислоҳ этиш ҳамда замонавий инфратузилмага эга таълим муассасалар қамровини кенгайтиришга аҳамият берилмоқда. Бундан кўзланган мақсад ёшларимизни глобализм деб аталмиш ёвуз салбий одат, анъана ва қадриятлар ёшлар онгига кириб келишига чек қўйиш лозим саналади. –Ёшликка олинган билим, тошга ўйилган нақшдир! деган ибора бежизга халқимиз томонидан айтилмаган, ёшларни мактабдан тўлақонли таълим-тарбия берилса, уларнинг келажакда ажойиб шахс ва бевосита юртимиз фаровонлигига, ривожланишига ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган кадр ва шу билан биргалиқда фуқаролик жамиятининг бир аъзосига айланади. Қадимда ҳам инсонлар улғайиб келаётган ёшларга таълим-тарбия бериш устувор вазифа сифатида қарашган: дастлаб уруғчилик жамиятида ҳам таълим-тарбиянинг асоси сифатида табиат ва эътиқод муҳим бирламчи восита эканлигига алоҳида аҳамият берилган, чунки инсонга яшаши учун энг аввало, Зардуштийлик дини таълимотига кўра муқаддас саналган, сув, ҳаво, тупроқ, олов бўлганидек ва бу неъматлар табиат иноми эканлиги ҳамда бу бирламчи эҳтиёжни қондириш учун табиатни таълим

шаклида; бу каби неъматларга эришиш учун эса эътиқодни тарбия шаклида ўргатиш замонавий фанда ўз исботини кўрсатмоқда. Инсон энг аввало, пировард мақсади ҳисобланган –тўла-тўқис шарт-шароитда бахтли ҳаёт кечириши учун табиатни ва унинг ўзгармас қонунларини, бундан ташқари унинг узвий бўлаги эътиқод ва унинг мустақкамлигига эътибор қаратиши муҳим масала саналади. Файласуфлар таърифида кўра, инсон тафаккурининг шакллантирувчи омиллари –табиат ва эътиқод саналади. Бунинг ҳозирги кундаги шакли таълим ва тарбия ҳисобланади, чунки таълим орқали биз табиатни, эътиқод орқали тарбияни ёшларга ўргатамиз. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги глобал муаммо саналган таълим ва тарбия ҳам Европани, бундан ташқари жаҳон ҳамжамиятини эътиборли масаласига айланган. Ҳозирги кунда барча давлатларга глобализм ва оммавий маданият хавф солмоқда, лекин бу хавфни олдини олиш учун турли хил давлатларда турлича ҳолат ва жараёнлар авж олмоқда: бу Европа ва ривожланган давлатларда таълимни ривожлантириб, Шарқда эса нисбатан кам ривожланган ёки ривожланаётган давлатларда таълим ва тарбия орқали буни енгишга ҳаракат қилинмоқда. Фалсафада, ҳар бир нарса икки қарама-қаршиликдан вужудга келиши ҳамда ҳар бир нарсанинг икки хил хусусияти ижобий ва салбий сифатга эга саналади. Шу фан исботи ўлароқ, ҳеч нарса йўқликдан бор бўлмайди, борликдан йўқликка айланмайди. Бу табиат қонуниятини ҳамма фан исботлайди, чунки физикада ҳам бир жисм ҳаракатини ўзгариши учун бошқа бир жисм таъсир кўрсатиши керак ёки биологияда бир организмни вужудга келиши учун бошқа организмни таъсири бўлиши лозим саналади. Ана шундай табиат қонуни билан ҳисоблашсак, ёшларни келажакда шахс бўлиши учун таълим ва тарбия узвий боғлиқ равишда олиб борилиши замон ва фан талабидир. Яна бир, олимлар айниқса Европаликлар, таълим ва тарбия иконаси фан ва замон деб ҳам илмий адабиётларда талқин этишмоқда. Лекин бизнинг Ўзбекистон Республикасини ривожланган ва барқарор тараққиётга эришиш борасидаги мақсадларимиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, жамиятимизни илм, марифат билан суғоришимиз ҳамда жаҳон тараққиёт босқичига давлатимизни кўтариш учун жон –дилимиз билан ҳаракат қилмоқдамиз. Бунинг учун биринчи навбатда кадрларни билимли, шу билан биргаликда виждонли этиб тарбиялашимиз даркор. Нима учун биз тарихда ўрганган Ўрта Осиё Ренессанси давридаги тараққиётни, таълим ва тарбияни ҳозирги кунда кўрмаймиз? Биринчи устувор вазифа кадрларни таълим ва тарбияли этиб тарбиялашимиз керак, бунинг учун эса таълим тизимига, хусусан умумий ўрта таълимга эътиборни кучайтиришимиз ва тарихий тажрибаларимизни амалиётга жалб этишимиз даркор. Ўрта асрларда юртимизда ИХ-ХИИ асрларда маданий юксалиш кузатилган, ўша даврда мактабларда ўқувчилар мантиқ, фалсафа, ҳадисшунослик, шариат қонунлари(фикҳ), Қурони Карим каби фанларни ва китобларни ўзлаштириш муҳим масала саналган, шунинг учун ҳам жаҳонни ўзига қаратган Ренессанс(уйғониш) даври бўлган. Шунинг учун мактабларнинг 1-синфдан то 6-синфгача ушбу фанларни ва китобларни ўқув дастурига қўшишни тавсия қиламан: мантиқ, фалсафа, эстетика, Ал-жоме ас-саҳиҳ, Ҳидоя, Қурони Карим. Шунда биринчи навбатда ўқувчилар мантиқ орқали фикрларни тизимли баён этиш қобилиятига эга бўлиш, ҳар бир иш моҳиятини ҳамда оқибатини англаш(фалсафа), ўз ҳаракатларини англаш ва таҳлил қилиш(эстетика), виждонли ва иймонли бўлиш(Ал-жоме ас-саҳиҳ, Ҳидоя, Қурони Карим) каби қобилиятлар ҳосил бўлади. Бу ўз навбатида илмий изланиш олиб борувчи талабаларга ҳам муҳим асқотади, чунки уларда бу кўникмалар ёшлигидан пайдо бўлса, талабалар илм-фанни, ўзбек менталитетини, илмий муҳитни ва албатта фан ютуқларини кашф этишда жуда муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги кунда жадал глобаллашган технологиялар асрида яшамокдамиз, бу даврнинг ўзига хос ижобий хусусиятлари мавжуд, бундан ташқари салбий жиҳатга ҳам эга. Бу ёшларнинг бир томонлама фикрлашишида кўзга кўринади. Бу эса компетентли этиб тарбиялашни тақозо этади. –Компетенсе|| сўзи инглизча мусобақалашмоқ, рақобатлашмоқ деган маъноларни англатади. Компетентлилик бевосита касбга лойиқлик, ўз соҳаси бўйича эгаллаган билим, кўникма, малакаларидан иш фаолиятида амалий қўллаш, намоёниш этиш саналади. Билимга эга бўлиб кўпчилик амалга қўллай олмаслик намоён бўлади. Ҳозирги ёшлар мактабда синфдан –синфга ўтиш имтиҳонлари ятарли тарзда олиб борилмаслиги ёки ўқувчиларни синфларни а, б, к гуруҳларга ажратишда етарлича саралай олинмаслиги ўқувчиларни кейинги ўқиш жараёнига салбий натижа кўрсатмоқда. Билим ва ҳаракат ўз маҳсули бўлмиш натижани, ютуқни олиб келади буни асло унутмаслик даркор. Бу қушнинг икки қанотига қиёс қилиб, ўхшатиш мумкин, қуш ҳам икки қаноти билан парвоз қила олгани каби, ўқувчилар ҳам бу икки қанот(билим ва ҳаракат) натижасида илм ёки ҳаёт йўлида муваффақият пиллапоясига парвоз қилишни таъминлайди. Бу борада фикр билдирган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, дотсент Н. Турдиев –XX асрда ўқиш ва ёзишни билмайдиганлар саводсиз дейилган бўлса, XXI асрда ўрганган билимларини амалиётга фойдалана олмайдиган одамни саводсиз дейилади||, бу энг аввало Ўзбекистоннинг тараққиёти учун муҳим эҳтиёж саналади. О. Бехутовнинг –XXI аср валютаси|| номли мақоласида ўқувчиларнинг билими катта дарамадлар берадиган омонат кассасидир. Фақат ўша олган билимларингизни доимо амалда қўллай олсангиз асл хазинага, натижага эга бўласиз. ХХII аср валютаси –амалда исбот қилинган билимдир. Инсон ўз ҳаёти фаолияти давомида кундалик бирламчи эҳтиёжи овқат каби маълумотга ҳам эҳтиёжи бирламчи ҳисобланади. Чунки табиат, жамият ва инсон ҳам доимо ўзгаришда бу ўзгаришлар тараққиётга ва ривожланишга таъсир ўтказиши учун энг аввало, билим ҳаёт мувозанатини тутиб турувчи восита саналади. Шунинг учун изланувчи ёшларга ва албатта иқтидорли талабаларга назария ва амалиёт уйғунлигини ўргатиш ҳамда шу аснода илмий иш олиб бориш кўникмасини қарор топтириш бу биринчи масала саналади. Талабалар илмий муҳитга кирар экан, аввало ўзининг ватанпарварлик хусусиятини сақлаб қолиб, фан тармоғида янгилик ва қулайлик имкониятларини яратиши лозим. Энг аввало мақсад инсонлар оғирини енгил қилиш, қулайлик яратиш, яхши шароит ҳосил қилишга кўмаклашиш керак. Шу боис ёшларга юксак таълим –тарбия берайлик ҳамда шу орқали салоҳиятли изланувчан талабаларимиз ўз мақсади йўлида илдам ҳаракатланадиган бўлиб, муваффақият пиллапоясидан кўтарилади ва Ўзбекистоннинг ривожланган демократик жамиятга айланишида муҳим ҳисса қўшадиган ақлли, зукко, билимли, салоҳиятли, тажрибали кадр ҳамда виждонли, иймонли ва албатта ватанпарвар фуқароси бўлиб етишади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Т.: –Ўзбекистон||. 2016. 33б.
2. –Таълим тўғрисида||ги қонун. Т. 1997.
3. Мирзиёев Ш. М. –Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз||. Т.: –Ўзбекистон||. 2017. 488б.
4. Мирзиёев Ш. М. –Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз||.Т.: –Ўзбекистон||. 2017. 592б.
5. Нарзулла Жўраев –Тарих фалсафасининг назарий асослари|| – Т.: –Маънавият||.2008.
6. –Маърифат|| газетаси

ўрни.....	243
Ж.Қарабаев,Р.Х.Абдурахмонова. Замонавий ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллаш тамойиллари.....	245
Н.Ю.Хомидова. Современные образовательные технологии.....	248
Ravshanova R. The prospects of distance learning in uzbek educational context.....	251
М. Холиқова. Таълимда барқарор ривожланиш ғоясининг имплементацияси.....	253
Т. Бурханов. Ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий мезонлар.....	256
Камолхўжаев Х. Раҳманов В. Умумий ўрта таълим мактабида физикасининг электромагнит тебранишлар мавзусини ўрганишда график пакетлардан фойдаланиш.....	258
А. Турахужаева. Инновации применения ментальной арифметики в производстве.....	260
Чубарова Г.Атаханова С. Роль и место проблемы развития пространственного мышления на уроках черчения.....	262
Зокиров С.Обиджонов З. Инновацион таълим тизимида компьютер ўқув ўйинларининг роли.....	265
Mamatkulov J. Technology use in nursery and primary education in developing language skills.....	267
С. Тоштемирова,Ж. Юрсинбоев. Педагогика соҳасида кластер модели асосида талабаларни касбга йўналтириш.....	269
Н.М.Бабаева,Б.Ш.Хайтов. Таълим муассаса раҳбарлари фаолиятида низоли вазиятлар ва уларни бошқариш йўллари тақомиллаштириш.....	271
Шамсиева И.,Ярашев С. Дарсларни лойиҳалаш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш дастури.....	275
Мусурмонкулова Н.А. Воспитание подростков.....	276
Умаров Ж. Болаларда миллий маънавиятни шакллантириш ва уларнинг нутқий қобилиятини ўстиришда ўз-ўзини англашнинг долзарблиги.....	279
Тешаева М. Биз йўқотаётган "Миллий алифбо".....	281
М. Qurbonova. Priorities in the training of teachers and the psychological education they need.....	283
Нишонов С. Организация учебной деятельности школьников в режиме дистанционного образования в Узбекистане.....	285
М. Нормуминов. Олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишда подкастлардан фойдаланиш.....	288
Зокиров С.,Обиджонов З. Инновацион таълим тизимида компьютер ўқув ўйинларининг роли.....	290
Акрамов Д. Таълимнинг долзарблик хусусияти	294